

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**“СЕРВИС СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ
КАФЕДРА «ЭКОНОМИКИ СФЕРЫ СЕРВИСА»**

**“ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ СЕКТОР ШЕРИКЛИГИ
АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА КЛАСТЕРЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

**Республика илмий-амалий анжумани
ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ**

**СБОРНИК ТЕЗИСОВ
Республиканской научно-практической конференции**

**“ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КЛАСТЕРОВ В
ТУРИСТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ НА ОСНОВЕ
ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА”**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро – 2019**

Давлат-хусусий сектор шериклиги асосида туризм соҳасида кластерларни шакллантириш истиқболлари

Дастурий қўмита: и.ф.д. О.Х. Хамидов, и.ф.ф.д. О.С. Қахҳоров, и.ф.н. Д. Ш. Явмутов, и.ф.н. С.У. Таджиева, и.ф.д. Б.Н. Навруз-Зода, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов, и.ф.н. Ҳ.Р. Ҳамроев, А.Ж. Абдуллоев, и.ф.н. С.С. Рўзиев, и.ф.ф.д. Г.Р. Хидирова, О.Х.Азимов, Б.И. Адизов.

Таҳрир хайъати: и.ф.ф.д. О.С. Қахҳоров, и.ф.д. Б.Н. Навруз-зода, О. Жумаев, Г.Т. Зарипов, и.ф.н. Д. Ш. Явмутов, и.ф.н. С.У. Таджиева, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов, А.Ж. Абдуллаев, и.ф.ф.д. Г.Р. Хидирова

“Давлат-хусусий сектор шериклиги асосида туризм соҳасида кластерларни шакллантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тўпламига етакчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистр ва бакалавр талабалари илмий тадқиқот ишлари доирасида илмий мақолалари ва маъруза тезислари киритилган. Мазкур анжуман давлат-хусусий сектор шериклиги асосида туризм соҳасида кластерларни шакллантириш йўлларини аниқлаш мақсадида Бухоро давлат университетида Иқтисодиёт ва туризм факультети “Сервис соҳаси иқтисодиёти” кафедрасида Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган ОТ-Ф1-04(08)-рақамли *“Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш; Кооперация ва интеграция муносабатлари асосида фермер хўжалиқларида рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришнинг мақбул моделларини ишлаб чиқиш”* фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида ташкил этилиб, анжуман материаллари тузилган ва нашр этилган.

Тўплам и.ф.д., профессор Б.Н. Навруз-Зода ва и.ф.н. Ибрагимов Н.С. умумий таҳрири остида чоп этилди.

Тўплам Бухоро давлат университети илмий-техникавий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

Такризчилар:

1. Азимов Б.Ф. - БухМТИ Менежмент кафедраси доценти, и.ф.н.
2. Мўминов Х.И. –Бухоро Давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдир.

Наряду с этим для развития этой сферы в Хорезме необходимо изучить потребности паломников на основе специальных социологических опросов.

Все эти меры приведут к развитию паломнического туризма в Хорезме, повышению эффективности этой важной отрасли экономики региона.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш масалалари ҳақида. // Халқ сўзи. 2017 йил 4 октябрь. 199 (893)-сон.
2. Landesdell H. Russian Central Asia including Kulja, Bokhara, Khiva and Merv. Vol.2. – London 1885. – P.293. - p.344-347.
3. Избранная лирика Востока., Бедиль, Пахлаван Махмуд, Рубаи перевод с Фарси Александра Наумова, Тошкент, 1991
4. www.xorazm.uz

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ

**Тохиров Жавлон Рахимович,
Бухоро давлат университети таянч докторанти**

Бозор иқтисодиёти шароитида умум давлат аҳамиятига эга бўлган йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда муваффақият қозониш мумкин, агар давлат ва бизнеснинг куч-қудратини бирлаштириш эвазига умумий самарани юзага чиқара олинса. Чунки, давлатнинг иқтисодиётдаги улуши тобора қисқариб борган ҳолда, бизнеснинг улуши тенг равишда ошиб бормоқда. Давлат бюджети барча ижтимоий масалаларни ечиш учун етарли маблағларни ажратишга қурби етмаслигидан бизнеснинг молиявий кўмаки зарур бўлиб қолади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида кўра: Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4.бандининг охири хатбошида устувор вазифалардан бири сифатида *давлат-хусусий шериклигини кенгайтириш* деб алоҳида келтириб ўтилган [1].

Илмий адабиётларда олимларнинг ДХШни ташкил этиш масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлари келтирилган. Хусусан, ДХШнинг илмий-назарий хусусиятлари МДХ олимларидан К.А.Антонова, А.А.Алпатов, О.С.Белокрылова, И.Е. Болехов, Б.Г. Варнавский, Е.А. Дынин, Л.И. Ефимова, В.А. Михеев сингари олимларнинг асарларида кўриб чиқилган.

Иқтисодчи олим К.А. Антонова “Давлат-хусусий шерикчилиги Россия ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омили сифатида” номли асарида ДХШни – давлат ва бизнес ўртасида давлат бошқаруви идоралари ва хусусий тузилмалар орасида шартнома асосида амалга оширилувчи институционал ташкилий иттифок деб атайди [2].

Шунингдек, В.Г. Варнавский, А.В. Клименко ва В.А. Королев ҳаммуаллифлигидаги “Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт” номли ўқув қўлланмасида “ДХШ - давлат ва жамоатчилик мулк объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга

нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустақамланган шаклини намоён этади” деб таъкидлашади [3].

Е.А. Дынин эса “ДХШ – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир” деб уқтириб ўтади [4].

Давлат ва хусусий шерикчилиги турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ, ингл. OECD - *Organisation for Economic Co-operation and Development*) ДХШни – ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарак бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ [5].

М.Б.Жерард эса ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради деб таъкидлайди [6].

Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир” деб таърифланади [7].

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар – жаҳон иқтисодиётининг асосий субектларидан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакатлар «ривожланган» ёки «саноат жиҳатдан тараққий этган» мамлакатлар деб аталади.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири – даромадларнинг аҳоли қатламлари ўртасида нисбатан текис тақсимланиши ва мамлакат ҳудудининг бир текис ўзлаштирилиши ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатлар иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлиги, хусусан, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш, илм-фанни ривожлантиришга катта маблағ сарфлаш (ЯИМ га нисбатан 2-3 %) ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши, тиббиёт, таълим, маданий соҳаларга сарфланаётган харажатларнинг юқорилиги ва атроф-муҳит муҳофазасига ажратилаётган сарф-харажатларнинг (ЯИМ га нисбатан 3-4 %) юқорилиги билан ажралиб туради [8].

Барча мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат сектори мавжуд. Давлат секторини бошқариш мулкчиликнинг давлат шаклига асосланиб, у асосан, қуйидаги учта йўл орқали шаклланади:

- 1) ишлаб чиқариш воситалари эгаларига пул ёки қимматли қоғозлар билан товон тўлаш орқали мулкни миллийлаштириш;
- 2) давлат бюджети маблағлари ҳисобига янги корхоналар, баъзи ҳолларда яхлит тармоқларни барпо этиш;
- 3) давлат томонидан хусусий корпорацияларнинг акцияларини сотиб олиш ва аралаш давлат-хусусий корхоналарини ташкил этиш. [9].

Бу борада олиб борилган изланишларимиз натижасида, давлат секторини шаклланишида тўртинчи йўли ҳам мавжуд деб ҳисоблаб, уни қуйидагича таклиф этмоқчимиз.

4) Хусусий сектор капитали ёки у томонидан ўзлаштирилган бошқа маблағлар ҳисобидан муайян муддатда давлат билан ҳамкорлик асосида давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш.

1-жадвал

Секторларнинг қиёсий таҳлил асосида тоифаланиши¹

Давлат сектори	Хусусий сектор	Давлат-хусусий шериклик
<ul style="list-style-type: none"> ▪ ўз олдиға фойда олшни мақсад қилиб қўймаган, асосан, иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалға оширадиган турли бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг мажмуи; ▪ иқтисодиётни тартибга солиш мақсадида фаолият қилувчи институт (муассаса); ▪ ўз вазифаларини бажариш мақсадида ўзлаштирилган восита ва неъматлар; ▪ чегаралари унинг фуқароларға солиқ солиш қобилияти билан белгиланган жуғрофий ҳудуд; ▪ ҳукмини амалға оширишда қиёсий устунликка эға бўлган ташкилот. 	<ul style="list-style-type: none"> • иқтисодиётнинг даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи бирламчи бўғинидир; • айрим кишилар ва гуруҳларға тегишли бўлиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланиб даромад топишға қаратилган мулк • индивидуал мулкнинг бир шакли сифатида фуқаро фойда олиш мақсадида ўз мулкидан фойдаланиш ҳуқуқиға эға бўлиши; • ишлаб чиқариш фуқаронинг ўз меҳнати ёки ишға ёллаш орқали ҳам бўлиши мумкин; • ишлаб чиқриш воситалари ва истеъмол буюмларига хусусий шахслар томонидан эғалик қилиниши, фойдаланилиши ва ўзлаштирилиши. 	<ul style="list-style-type: none"> ❖ давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатға юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалға ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштириш орқали ташкил этилган мулк; ❖ давлатнинг стратегик вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган қонунлар орқали хусусий сектор капитали ёки у томонидан ўзлаштирилган бошқа маблағлар ҳисобидан муайян муддатда давлат билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик.

Хусусан, давлат-хусусий шерикликни ташкил этишда хорижда кенг тарқалган ҳамкорликнинг **институционал** (*жамоа кенгашлари, бошқарув кенгашлари, васийлик кенгашлари каби жамоат институтлари ва.ҳ.*) ва

¹ Жадвал маълумотлари муаллиф тадқиқотлари натижалари асосида тайёрланган.

шартномавий (*стипендия дастурлари, гранлар, концессия, узок муддатли ижаралар, инвестицион шартномалар ва.х.*) шаклларида фойдаланилади.

Давлат-хусусий шерикликнинг давлатнинг ижтимоий объектларга нисбатан айрим бошқарув ваколатларини назарда тутувчи, анъанавий давлат хизматларини бажариш учун хусусий секторни жалб қилувчи, миллий ва халқаро, кенг миқёсли ва маҳаллий, аммо ҳар доим ўта муҳим ва давлат учун ижтимоий аҳамияти юқори лойиҳаларин амалга ошириш бўйича давлат ва бизнес иттифоқи, концессия ва операцион лизингга асосланган, транспорт, кўприк, тоннель, касалхона, мактаб ва бошқа ижтимоий инфратузилмалар учун тузиладиган ҳамкорлик, у ёки бу корхонани ташкил қилишдаги риск ва нафларни тақсимлаш бўйича ўзаро муносабатлар, давлат ташкилот ва хусусий компания ўртасида риск ва даромад, масъулият ва мажбуриятларни тақсимлаш бўйича келишув, давлат манфаатлари йўлида стратегик натижаларга эришиш учун амалга ошириладиган ўрта ва узок муддатли давлат-хусусий сектор муносабатлари, ДХШ предмети давлат ва муниципал мулкдан, ҳамда ҳокимият органлари, бюджет сектори томонидан кўрсатиладиган хизматлардан ташкил толувчи давлатнинг хусусий сектор билан кенг иқтисодий фаолият турлари бўйича муносабатлари, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган – кўприк, автомобиль магистраль йўллари, труба қувурлари, аэродром, портлари каби стратегик объектларини давлат мулкида қолдириб, хусусий секторга узок муддатли ижарага бериш билан боғлиқ муносабатлар, минтақа учун умумиқтисодий манфаатларга эришиш ва долзарб вазифаларни ечишга қаратилган муҳим муносабатлар, давлатнинг бизнесга ҳукм ўтказиб, иқтисодиётга чуқур аралашувини эмас, балки у билан ҳамкорликда, лойиҳалар бўйича маслаҳатда ишлашини кўзда тутувчи, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг умумий мақсадларига эришиш бўйича муносабатлар каби талқинларини учратишимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони \\\ lex.uz.
2. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010. С.120.
3. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие / Варнавский В. Г., Клименко А. В., Королев В. А. — М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
4. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.
5. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.
6. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations?//Finance & Development. 2001. Vol.38.
7. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004.
8. Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X.. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. – Toshkent.: Baktria press, 2015. – 71 b.
9. Shodmonov Sh.Sh., G’ofurov U.V.. Iqtisodiyot nazariyas: Darslik.– Toshkent.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. - 533 b., 542 b.

МУНДАРИЖА

1-ШЎЪБА. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ ШАКЛЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИЛМӢЙ НАЗАРИЙ ВА МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Б.Н.Навруз-Зода	Туристтик кластерлаштириш жараёни	3
Ибрагимов Н.С.	Туристтик кластерларнинг турлари ва шаклланиш омиллари	5
Р.Х.Эргашев, А.Д.Равшанов	Кластерли ёндашув асосида қишлоқ хўжалик корхоналарининг устувор йўналишлари	7
Б.Рузметов	Святые места Хорезмского региона Республики Узбекистан и их роль в развитии паломнического туризма в великом шелковом пути	12
Тоҳиров Ж.Р.	Давлат-хусусий шериклигининг мазмун-моҳияти ва шакллари	17
Нарзиев М. М.	Бухоро вилоятида туризмни ривожлантиришда туристик кластерларни жорий қилиш истиқболлари	21
Д.Худайберганаов	Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга оширишни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	24
Асрақулов А. С.	Хизматлар соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги механизмининг аҳоли бандлиги самарадорлигини оширишдаги ўрни	26
Мирзаев А.Т.	Туристтик-рекреация хизматлари кластерларини шакллантиришда давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланиш	30
Кадилова Х.Т. Соҳадалиев А.М. Каримжанова Р.М.	Сущность, необходимость и значение финансовой политики в развитии национальной экономики	34
Кадилова Х.Т. Мирзахоликов Б. Б.	Основные направления совершенствования инвестиционной политики и деятельности субъектов финансового рынка	37
Навруз-зода Л. Б., Абдурахимов А.	Повышение социального престижа предпринимательских фирм в Бухарской области	41

2-ШЎЪБА. ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ТЕЗ СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНАЁТГАН ШАРОИТДА РАҚОБАТБАРДОШ ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Турдибеков Ҳ.И.	Рақобатбардош туризм кластерларини шакллантириш йўналишлари	43
Бозоров А.Р., Бадалова Н.Ғ.	Туризм соҳасида кластернинг аҳамияти	46
Tadjiyeva S.U., Shadiyev A.X.	Klaster asosida qishloq turizmini rivojlantirish yo'llari	49

3-ШЎЪБА. ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМӢЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Tairova.M.M., Temirova D. A.	Cluster formation and development in regional economic systems	53
Асадов Ф. Ш. Муротова Н.У.	Основы логистического подхода в управлении туристской компанией	54
С.М.Ғуломжонова	Қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш йўллари	56
Наврўз-зода З.Б.	Туристтик кластернинг икки томонлама табиати	57